
“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА 15 МИНГ ДОНА САНОАТБОП ТЕРАК КЎЧАТЛАРИ ЭКИЛДИ

Республикамизда экотизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш, кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш ва яшил майдонларни кенгайтириш борасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширилиши муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги ПФ 199-сонли “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида “Қолгандарё” массиви ҳудудидаги канал ва соҳил бўйи минтақаларидаги янги ўзлаштирилган ерларга дарахт кўчатлари экиш уюшқоқлик билан бошланди.

Бугун Фурқат тумани ҳокимлиги бошчилигида секторлар раҳбарлари, ФВБ ва ИИБ ходимлари, фермер хўжаликлари аъзолари иштирокида янги ўзлаштирилган 10 км. масофадаги ерларнинг 4 км. қисмига 15 минг дона саноатбоп терак кўчатлари экилди.

Экиш мавсуми давомида шу ҳудуднинг ўзига 30 минг дона, янгидан ўзлаштириладиган бошқа ерларга 40 минг дона кўчатлар экиш кўзда тутилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-26 21:26:29